

ГРАНТ ОЛИШ ТАРТИБИ:


1. Қишлоқ хўжалиги корхонаси, фермер хўжалиги ёки тадбиркор тижорат банкларининг ҳудудий филиалига грант олиш учун тегишли ҳужжатлар (ариза, бизнес режа, тижорат таклифлари, шартнома ва бошқалар) тўпламини тақдим этади.
2. Тижорат банкларининг ҳудудий филиаллари (туман ёки вилоят) топширилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб, уларни Кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун банкнинг Бош офисига тақдим этади.
3. Тижорат банклари Кредит қўмитасининг ижобий хуносасидан сўнг, юкоридаги лойиҳани молиялаштириш учун Глобал экологик жамғармасининг грант маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлигига тегишли ҳужжатлар тўпламини киритади.
4. Агентлик тижорат банклари томонидан киритилган ҳужжатлар тўпламини Жаҳон банки талабларига мувофиқлигини ўрганиб, Жаҳон банкига келишиш учун киритади.
5. Грант ҳужжатлари тўплами бўйича Жаҳон банкининг ижобий карори олингандан сўнг, Агентлик тижорат банкининг маҳсус ҳисоб рақамига сўралган маблағларни ўтказиб беради.

Кўшимча маълумотлар учун мурожаат қилинг:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги

Манзил:

Тошкент шаҳар, Қ.Ниёзи кўчаси 39-б,
Тел.: (0371) 237-16-57, 237-05-94
Факс: (0371) 237-16-58
www.raa.uz



Мўлжал: Тошкент ирригация ва мелиорация институти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
КОРХОНАЛАРИНИ ТАРКИБИЙ
ҚАЙТА ТУЗИШ АГЕНТЛИГИ

АҲБОРОТ БЮЛЛЕТЕНИ

ФЕРМЕР ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИКЛАРИ
КОРХОНАЛАРИГА
ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФОНДИ
ГРАНТ МАБЛАГЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА
ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2016 йил

**ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК
ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДАГИ
“ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ
БАРҚАРЛАШТИРИШ ВА ИҚЛИМ
ҮЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ
ЮМШАТИШ” ГРАНТ ЛОЙИХАСИ**

Acos: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 14 февралдаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II - босқич» лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги №ПҚ2129 - сонли карори.

ГРАНТ ЛОЙИХАСИ ХУДУДЛАРИ:
Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари

**ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ
ВА ТАРТИБИ**

Грант маблағлари қўйидаги тижорат банклари орқали берилади:

- Халқ банки
- Турон банк
- Ўзсаноатқурилиш банк
- Қишлоқ курилиш банки
- Ипак ўёли банки
- Ҳамкор банк

ГРАНТ АЖРАТИЛИШИ ШАРТЛАРИ:

- ❖ Лойиҳа қийматининг 70% грант, 30% фермер ва қишлоқ хўжаликлари корхоналари маблағлари ёки улар томонидан тижорат банкларидан олинган кредит хисобидан молиялаштирилади

**ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ ЛОЙИХА
ХУДУДЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ФЕРМЕР
ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИ
КОРХОНАЛАРИГА
ҚЎЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРГА
АЖРАТИЛАДИ:**

Лойиҳа худудларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликларида муқобил энергия манбалари технологиялари харид қилиш учун:

- чиқиндиларни қайта ишлаб биогаз ишлаб чиқариш ускуналари;
- қуёш панеллари ёрдамида қуёш энергиясидан электр энергия ишлаб чиқиш;
- қуёш энергиясидан фойдаланиб сув иситиш ускуналарини ўрнатиш;
- қуёш энергиясидан олинган электр энергия хисобига қудуқлардан сув чиқариш технологияси;
- эски сув чиқарувчи насосларни янги энергия тежамкор суғориш насосларига алмаштириш;
- кичик гидроэлектр станцияларини қуриш ва бошқа қайта тикланувчи технологиялар учун ажратилади.

ИМТИЁЗЛАР:

- Грант ҳисобидан импорт қилинадиган техника ва технологиялар, жихоз ва ускуналар солиқ тўловларидан, яъни қўшимча қиймат солиғи, божхона ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади.
- Бир мижоз учун максимал грант маблағлари миқдори 500 000 АҚШ доллари (АҚШ долларида ёки сўм эквивалентида).



Энергиятежамкор ирригация насоси



Қуёш панеллари



Биогаз ускунаси